

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ШАМСИЕВА БАРНОХОН БАХРОМХОДЖАЕВНА

ТАРЖИМА МАТНИ МАДАНИЯТ ТРАНСФЕРИ СИФАТИДА
(НАЦУМЭ СОСЭКИНИНГ «ҚАЛБ» АСАРИ АСОСИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Шамсиева Барнохон Бахромходжаевна

Таржима матни маданият трансфери сифатида (Нацумэ Сосэкининг
«Қалб» асари асосида) 3

Шамсиева Барнохон Бахромходжаевна

Переводной текст как культурный трансфер (на материале перевода
романа Нацумэ Сосэки «Душа» на узбекский язык)..... 23

Shamsieva Barnokhon Bahromkhodjaevna

Translation text as a cultural transfer (based on the translation of
Natsume Soseki's novel «Soul» into Uzbek) 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ШАМСИЕВА БАРНОХОН БАХРОМХОДЖАЕВНА

ТАРЖИМА МАТНИ МАДАНИЯТ ТРАНСФЕРИ СИФАТИДА
(НАЦУМЭ СОСЭКИНИНГ «ҚАЛБ» АСАРИ АСОСИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Fil1312 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsuos.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рихсиева Гулчеҳра Шовкатовна
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Усмонова Шоира Рустамовна
филология фанлари доктори, профессор

Гафурова Хакима Шавкатовна
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: info@tsuos.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.)

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ кuni тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

Х.З.Алимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тилда маданиятнинг воқеланиши, ва аксинча, маданиятнинг тилга таъсири масаласини ўрганиш долзарб вазифалардан бирига айланди. Тилга нафақат мулоқот ва дунёни билиш воситаси, балки миллат маданиятининг узвий қисми сифатида эътибор берилди бошланди. Натижада тил ва маданиятнинг ўзаро алоқаси, инсон шахсияти, маданий қадриятларининг тилда акс этиши масаласини тадқиқ этувчи антропоцентрик тилшуносликнинг мустақил йўналиши – лингвомаданиятшунослик юзага келди.

Дунё тилшунослигида тилдаги муайян миллий-маданий белгилар орқали инсонда ижтимоий, маданий, диний омиллар таъсирида шаклланган тушунчалар, тасаввур ва эътиқодлар ўртасидаги тафовутларни ўрганиш лингвомаданий аспектдаги тадқиқотларнинг марказий муаммоларидан бири саналади. Бу йўналишда олиб борилаётган тадқиқотларда маданият трансфери назарияси асосида бир миллатга мансуб моддий ва маънавий маданият бошқа маконга кўчганда ўша маконга хос дунёқараш, маданият нуқтаи назаридан идрок қилиниши ва ифода этилиши масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда маданият трансфери назариясининг тилшунос, таржимашунос олимлар томонидан чоғиштирма ҳамда лингвомаданий аспектларда ўрганилиши таржима матнлари тадқиқига янгича ёндашувларни тақозо этмоқда. Хусусан, жаҳон тилшунослигида маданият трансфери назариясини оламнинг лисоний манзараси масалалари билан боғлаган ҳолда тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда таржимашунослик соҳасида олиб борилаётган тадқиқотларда миллий-маданий семали бирликларнинг таржима матнида берилиши, бундай сўзларга мос муқобилларни топиш, таржимадаги хато ва камчиликлар устида ишлаш каби масалалар таҳлиliga жиддий эътибор қаратилмоқда. Маданият трансфери назариясида миллий-маданий семали бирликлар ва улар англаган тушунча ҳақидаги тасаввурлар таржимада қандай акс этганлиги масаласи муҳим. «Айни пайтда дунёда илм-фан ва технологиялар шиддат билан ривожланиб, мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорлик алоқалари тобора кенгаймоқда. Натижада ҳаётимизга четдан кўплаб янги тушунча, сўз ва иборалар кириб келмоқда. Глоблалашув шароитида миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг луғат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш, уларнинг бир хил қўлланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди»¹. Ушбу диссертация таржимашуносликнинг айнан шу йўналишдаги муаммоларидан бири – япон тилидаги бадий матнни ўзбек тилига таржима қилишда маданият трансфери масаласи таҳлиliga қаратилган. Ўзбек таржимашунослигида таржима матнига маданият трансфери сифатида ёндашилган тадқиқотларнинг мавжуд эмаслиги бу йўналишда тадқиқотлар амалга оширилиши лозимлигини кўрсатса, юртимизда замонавий таржимашунослик соҳасини ривожлантириш борасида белгиланган вазифалар диссертация мавзусининг замонавий тилшунослик ва таржимашунослик учун долзарблигини англатади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи //Халқ сўзи, 2019 йил, 22 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги «Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 376-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё тилшунослигида тил ва маданият алоқаси масаласи лингвомаданиятшунослик аспектида Ж.П.Вине, Ж.Дарбелне, Ю.Вайнрайх, М.Снел-Хорнби, А.Глодович, К.Кавахара, А.Тамоцу, М.Ямамото, Н.Арутюнова, Т.Гуревич каби хориж тилшунослари томонидан махсус ўрганилган².

XX асрнинг 80-йилларида француз олимлари М.Эспан ва М.Вернер томонидан Франция ва Германиянинг маданий алоқаларини тадқиқ этиш асосида фанга киритилган *маданият трансфери* назарияси бугунги кунда қатор тадқиқотчилар томонидан ривожлантирилмоқда. Шу кунга қадар бу муаммо М.Эспан, Паул Бандиа, Е.Дмитриева, Е.Аблогина, Д.Лобачёва ва И.Лагутиналарнинг тадқиқотларида адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганилган бўлса³, И.Зохар, П.Антони, Х.Марико, А.Хейнс, Ян Жоу, И.Гамзэ,

²Vinay J.P., Darbelnet J. Stylistique comparee du francais et de l'anglais. – Paris, 1958; Weinreich, U. Languages in contact. Findings and problems / U. Weinreich. – The Hague – New York – Paris: Mouton Publisher, 1979. – 160 p., Snell-Hornby M. Linguistic Transcoding or Cultural Transfer? A Critique of Translation Theory in Germany // Translation, History and Culture. – London: Cassel, 1990, 23-45 p., Anica Glodjović. Translation as a means of cross-cultural communication: some problems in literary text translations. Facta universitatis, Linguistics and Literature Vol. 8, No 2, 2010, 141 – 151 p., Kiyoshi KAWAHARA, 翻訳概念の射程 — 文化の翻訳と喩としての翻訳, 河原清志. 「ことばの意味の多次元性 : »as»の事例分析」立教大学大学院異文化コミュニケーション研究科提出修士論文 [未出版] 2008, 河原清志 「文化の通訳・翻訳」石井敏・久米昭元他 (編) 2013 春風社, 311 頁; 青木保 『文化の翻訳』東京大学出版会, 1978; 山本真弓 「文化と政治の翻訳学 : 異文化研究と翻訳の可能性」明石書店, 2010. 109-143 頁; Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. 2-е изд. испр. – М.: Языки русской культуры, 1998. – 896 с., Гуревич Т. Концептосфоры «Человек» в японской языковой картине мира. – М., 2006. – 163 с.

³Espagne M. La notion de transfert culturel // Revue Sciences/Lettres [Online]. 2013. №1; Espagne M. Les transfert sculturels franco-allemands. Paris, 1999. – 296 p., Bandia Paul F. Translation as Culture Transfer: Evidence from African Creative Writing// TTR : traduction, terminologie, rédaction, Volume 23, issue 1, 1er semestre 2010, 55-78 p., Дмитриева Е.Е., Эспань.М. Литературный пантеон: национальный и зарубежный. Материалы российско-французского коллоквиума. – М.: Наследие, 1999. - 318 с., Аблогина Е. В., «Горе от ума» А.С.Грибоедова: специфика культурного трансфера //Актуальные проблемы литературоведения и лингвистики, Вып.12, апрель-2012, 3-7 с., Лобачёва Д. Культурный трансфер: определение, структура, роль в системе литературных взаимодействий. // Вестник ТГПУ. 2010. 8(98). 23-27 с., Лагутина И.Н., Россия и Германия на перекрестке культур: культурный трансфер в системе русско-немецких литературных взаимодействий конца XVIII-первой трети XX века., – М.: Наука. 2008 – 342 с.

И.Федорова, Е.Шелестюк, С.Проскурин каби олимларнинг ишларида таржимашунослик доирасида тадқиқ этилди⁴.

Ўзбек тилшунослигида А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Д.Худойберганова, Ш.Усмонованинг тадқиқотларида лингвомаданиятшуносликнинг назарий масалалари, долзарб муаммолари ўртага ташланди⁵. Бадиий таржиманинг лингвомаданий хусусиятлари Ғ.Саломов, Р.Ширинова, Х.Ҳамидов, Н.Ходжаева, Н.Турапова, Н.Исматуллаева, С.Саидакбарова, У.Йўлдошев, Н.Тухтаходжаева тадқиқотларида ёритилди⁶. Бироқ ўзбек тилшунослиги, хусусан, таржимашуносликда маданият трансфери масалаларига бағишланган илмий ишлар кузатилмади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Таржимашунослик, қиёсий тилшунослик ва лингвомаданиятшу-носликнинг долзарб муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади япон тилидан ўзбек тилига таржима қилинган бадиий матнларда маданият трансферининг акс этиши муаммосини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

бадиий матнни таржима қилишда маданият трансфери назариясининг аҳамияти ва ролини асослаш;

⁴ Itamar Even-Zohar. Translation Theory Today: A Call for Transfer Theory. Poetics Today, Vol. 2, No. 4, Translation Theory and Intercultural Relations (Summer - Autumn, 1981), 1-7 p., Anthony Pym. Translation and Text Transfer. An Essay on the Principles of Intercultural Communication. Tarragona: Intercultural Studies Group, 2010. – 211 p., Hanada Mariko, The Cultural Transfer in Anime Translation, Vol. 13, No. 2, April, USA 2009, Audrey J. Heijns, On the Translation and Transfer of Culture: A Case Study of Henri Borel's Wisdom and Beauty from China, Yan Zhou. The Impact of Cultural Transfer on Cross-cultural Communication. Asian Social Science. Vol.4 No.7, July 2008, Işıl Gamze Yıldız. Cultural Transfer through Translation: Turkish Samples // The International Journal of Language Society and Culture. Issue 25, 2008. 82-87 p., Федорова И.К. Кинотекст в инокультурной среде: к проблеме построения моделей культурных переносов// Российская зарубежная филология, 2011, 1(13), 61-69 p., Шелестюк Е.В. Лингвокультурный перенос как психолингвистическая основа переводческой адаптации // Вестник Челябинского государственного университета (Серия «Филология. Искусствоведение»). Выпуск 82. № 24 (315), 2013. 37-47 с., Лингвистика и семиотика культурных трансферов: методы, принципы, технологии: Кол. монография / отв. ред. Фещенко В.В. – М.: Культурная революция, 2016. – 500 с., Проскурин С. Культурные трансферы и перевод текстов. // ЯЗЫК. КУЛЬТУРА. ЛИЧНОСТЬ (К юбилею доктора филологических наук, профессора Л. А. Козловой), 2015. 79-88 с.

⁵ Нурмонов А. Сўз мулкига сайр // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2014 йил, 6-сон, Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур махсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. №3. 19-24 б., Усмонова Ш. Таржиманинг лингвомаданий аспекти. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2015. – 192 б., Худойберганова Д. Матнинг антропоцентриқ тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013. – 136 б.

⁶ Саломов Ғ. Рус тилидан ўзбекчага мақол ва идиомалар таржимаси. – Тошкент: Ўзбекистон Фанлар Академияси нашриёти, 1961. – 159 б., Ширинова Р. Олам миллий манзарасининг бадиий таржимада қайта яратилиши, Филол. фан. докт. (DSc) ... дисс. – Тошкент, 2017, Ҳамидов Х. Ўзбек қисса ва романларининг туркча таржималарида миллийлик, бадиийлик ва лисоний адекватлик масалалари, Филол. фан. докт. (DSc) диссертацияси. – Тошкент, 2021. – 235 б., Ходжаева Н. Бадиий таржиманинг лексик-стилистик муаммолари, Филол. фан. ном. (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2019. – 124 б., Турапова Н. Национально-культурная специфика фразеологизмов японского языка (лингвокультурологический подход) // Современная филология: материалы IV Междунар. науч. конф. (г. Уфа, март 2015 г.) – Уфа: Лето, 2015. 84-86 с., Исматуллаева Н. Хитой ва ўзбек тилларида лақналар (Монография). – Тошкент, 2021. 144 б., Саидакбарова С. Инглиз ва ўзбек лингвомаданиятида гастронимик фразеологизмлар (Монография). – Тошкент, 2021. 138 б., Йўлдошев У. Ҳажвий матнлар таржимасининг лингвостилистик ва лингвокультурологик хусусиятлари (инглиз тилига таржима қилинган ўзбек халқ латиқалари мисолида): Филол. фан. бўйича фалс. докт. дисс. – Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2017. – 164 б., Тухтаходжаева Н. Бадиий таржимада лингвокультуремаларнинг ифодаланиши (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида), фил. фан. фалс. докт. (PhD) дис. – Тошкент, 2017. 141 б.

таржима матнларида маданият трансфери назарияси асосида миллий-маданий семали birlikларнинг берилиши масаласига оид ёндашувларни ёритиш;

аслиятда қўлланган миллий-маданий семали birlikларнинг таржима матнига қандай тасаввур ва маъно асосида кўчганлигини белгилаш;

таржима матнларида маданият трансферини акс эттирувчи birlikларнинг маъно хусусиятларини аниқлаш;

таржима матнларида руҳият трансферининг намоён бўлиши масаласини ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида япон адиби Нацумэ Сосэкининг «Қалб» таржима асари танланиб, маданият трансфери назарияси асосида таҳлилга тортилган⁷.

Тадқиқотнинг предмети таржима матнини маданият трансфери назарияси асосида таҳлил қилиш масаласи ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифий, қиёсий-типологик (чоғиштирма) методлар, лексик-семантик, лингвомаданий ҳамда кросс-маданий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

матн таржимасининг лингвомаданиятшуносликдаги ўрни ва асос бўлган маданият элементларининг таржима қилинган асар маданияти томонидан қабул қилиниши, уни янги маданиятда қурилгани, қабул қилувчи маданиятга мослашиши каби вазифалари асосланиб, таржима асарларида руҳият трансфери экспрессив-эмоционаликни юзага чиқарувчи восита вазифасини бажариши исботланган;

таржима матнида маданият трансферининг акс этиши “натижа” сифатида баҳоланиб, таржимада birlikлар таҳлиliga оид маданий силжиш, маданиятга мослашиш каби ёндашувлар аниқланган;

аслиятдаги сўзга хос маданий сема таржима натижасида янги тушунча сифатида қабул қилиниши ва шу асосда матнда янги маъно касб этиши аниқланган, таржима матнида моддий маданият трансфери содир бўлганда шакл ҳақидаги тушунчалар билан бирга, маъно ҳақидаги тасаввур ҳам ўзгариши кузатилиши далилланган;

таржима матнида миллат дунёқараши, олами қай тарзда идрок этиши, ассоциатив тафаккури, эътиқоди, миллий-маданий қарашлари кабиларнинг ифода этилиши маданият трансферини намоён қилувчи омиллар сифатида аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

таржима матнларида миллий-маданий семали birlikларнинг трансфер бўлиши далилланган;

таржима матнларида маданият трансфери ҳодисасининг сўз маъносининг кенгайиши ёки торайиши ҳисобига амалга ошириши аниқланган;

бадий матнни япон тилидан ўзбек тилига таржима қилиш масалалари бўйича бир қатор амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

⁷夏目漱石. 「こころ」. Printed in Japan, Shinchousha, 1952. – P. 260, Нацумэ Сосэки. Қалб (таржимон Н.Аминова) // Жаҳон адабиёти, – Тошкент, 2013. № 5. – Б. 7-34; № 6. – Б. 115-139; № 7. – Б. 94-122.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таржима матнида маданият трансфери бирликларини аниқлашда муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, мавзуни ёритишда замонавий тадқиқ усулларидан фойдаланилганлиги, миллий-маданий семали бирликларнинг трансфер қилинишида япон ва ўзбек тиллари ва маданиятидан келиб чиқилганлиги кабилар билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти – диссертация натижалари ўзбек таржимашунослигида маданият трансфери доирасида амалга ошириладиган кейинги илмий ишлар учун назарий асос вазифасини ўтайди, келтирилган хулосалар ўзбек лингвомаданиятшунослигини назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти – тадқиқотдан олий ўқув юртларида «Таржима назарияси ва амалиёти», «Таржимонлик маҳорати», «Таржиманинг лингвомаданий аспекти», «Таржима назарияси ва тадқиқот методологияси», «Бадиий таржима амалиёти» фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратишда ҳам фойдали бўлиши билан бирга, ушбу тадқиқот таржимонлик фаолияти билан шуғулланувчилар, айниқса, япон адабиёти намуналарини ўзбек тилига ёки ўзбек адабиётини япон тилига таржима қилувчи мутахассислар учун ҳам муҳим илмий-амалий манба ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таржимада маданият трансферининг намоён бўлиши масаласини тадқиқ қилишда эришилган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

миллий-маданий семали сўзлар, фразеологизмлар таржимаси, бадиий таржимада сўз танлаш масалалари билан боғлиқ фикр-мулоҳаза, хулосалардан япон филологияси, таржима назарияси ва амалиёти йўналиши талабалари учун тузилган “Япон тили 1” дарслигининг назарий ҳамда амалий қисмларида миллий хосланган сўзларни япон тилида ифодалаш масаласини ёритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2017 йил 24 августдаги 603-сон буйруғи). Натижада ушбу дарслик миллий-маданий семали бирликлар маъносини тўғри етказиб бериш, тушунтириш, таржима қилишга доир билимлар бойитилган;

лингвомаданиятшуносликка оид таянч бирликлар, хусусан, терминлардан ПФ-201912258 – “Ўзбек адабиётининг кўп тилли (ўзбек, рус ва инглиз тилларида) электрон платформасини яратиш” амалий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 22 февральдаги 04/1-333-сон маълумотномаси). Натижада ушбу электрон платформа лингвомаданиятшуносликка оид терминлар билан бойитилган;

бадиий матнни таржима қилишда миллий-маданий семали бирликларнинг ўзга маданият майдонига кўчиши, трансфер натижасида бу сўзларнинг тил эгаларида ҳосил бўладиган ассоциатив маънолари ҳақидаги таҳлилий фикр ва назарий хулосалардан “Маданият ва маърифат” телеканали томонидан эфирга узатилган “Башарият сиймолари” кўрсатуви сценарийларида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадио-компаниясининг 2021 йил 18 майдаги 01-16/107-

сон маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатув учун тайёрланган материаллар мазмуни янада мукаммаллашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 9 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та республика ҳамда 6 та халқаро анжуманда маъруза кўринишида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш эълон қилинган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та, жумладан, 6 та республика ва 2 та хорижий журналларда мақолалар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 142 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмда диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Маданият трансфери ва таржимада лингвомаданий ёндашув**» деб номланган биринчи бобида *маданият трансфери* тушунчасининг илмий муомалага киритилиши, ўрганилиши ва таржимашуносликдаги ўрни ҳақида маълумот берилган.

Маълумки, 1980 йилларда Генрих Гейненинг Францияда сақланаётган қўлёзмаларини ўрганиш асносида немис ва француз олимлари томонидан «маданият трансфери» деб аталган илмий лабораторияга асос солинган⁸. Ушбу лаборатория фаолиятининг бошланғич босқичида немис фалсафасининг Францияга таъсири масаласи ўрганилган. Лабораторияда ҳамкорликда иш олиб борган тарихчилар миграция масалалари устида ишлаб, унда инсонларнинг кўчиши жараёнига эмас, балки ғоялар, қарашлар «кўчиши» масаласига алоҳида эътибор қаратишган. Шу тариқа маданият трансфери назарияси бошқа фан соҳаларига ҳам тарқалган.

Ўтган асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб таржимашуносликда матнни маданият трансфери нуқтаи назаридан ўрганишга қизиқиш ортди. Жумладан, И.Н.Лагутина матнни маданият трансфери назарияси асносида тадқиқ қилар экан, бундай матн маданиятнинг янги сифатларини ўзига сингдириши, бирор матн бошқа маданий контекстга кўчганда, бир томондан, янги маъно ва вазифага эга бўлса, иккинчи томондан, кириб борган маданиятга таъсир қилиб, уни

⁸ Бу ҳақда қаранг: Дмитриева Е.Е. Теория культурного трансфера и ее отношения к цивилизационно-культурному пограничью // Цивилизационно-культурное пограничье как генератор становления мировой культуры. – М., 2012. – №7. – С. 19.

ўзгартиришини таъкидлайди.⁹ Унинг фикрича, ҳар бир кичик мотив, энг минимал даражадаги контекст ҳам асарга таъсир қилади, зеро, бундай кичик контекстлардан бир қанча бўлиши мумкин. Анъанавий қиёсий адабиётшуносликка оид тадқиқотларда ишлатиладиган «ўзаро алоқа, таъсир», «ўзаро боғлиқлик» терминлари матндаги ижтимоий-маданий атамаларни тадқиқ қилишда етарли бўла олмайди. Бу ўринда маданият трансфери матндаги ғоялар, тушунчаларни тўғри етказиб беришга хизмат қилади¹⁰.

«Маданият трансфери» назариясида лингвомаданий бирликларнинг таржима қилинган асар маданиятида қандай бўлса, шундайлигича намоён бўлиши эмас, балки, янги маданиятда қандай кўринишда ўрин олганлиги, уни қабул қилувчи маданиятга қай тарзда мослашиши масаласи муҳимдир.

Француз олими М.Эспаннинг таърифлашича, маданият трансфери – бу таржимага яқин тушунча бўлиб, у бир коддан бошқасига ўтишни тақозо қилади, бироқ ҳар доим ҳам таржима билан айнан тарзда изоҳланмайди¹¹. М.Эспан таржима ва трансфернинг ўзаро фарқи ҳақида тўхталиб, маданият трансфери учун романнинг исталган тилдаги наشريни бошқа тилдан қилинган таржимасига таққослаш, муқовасининг иллюстрацияси, форматлари, ҳаттоки матбааси ўртасидаги фарқларни кузатишнинг ўзи кифоя қилишини, бу эса таржима билан эквивалентлиликни билдирмаслигини таъкидлайди¹².

Х.Миттербауер маданият трансферини ўрганиш учун уни уч қисмга бўлишни тавсия қилади: 1. Асос бўлган маданият. 2. Воситачилик ўрни. 3. Қабул қилувчи маданият¹³.

Маданият трансферининг «Асос бўлган маданият» қисмида маълум бир маданиятга оид матнлар, дискурслар таҳлил қилинади. Бу йўналишда кўпроқ адабиётшунос, тарихшунослар тадқиқот олиб боришади. «Воситачилик ўрни»да маданият трансферига сабабчи бўлган жонли ва жонсиз объектлар иштирок этиши мумкин. Масалан, савдогарлар, олимлар, таржимонлар, тилшунослар, асар кабиларнинг маданият трансфери бўлишида уларнинг роли, вазифаси ўрганилади. «Қабул қилувчи маданият» қисмида, асосан, таржима матни учун маданият трансфери бўлган шаҳар, давлатлар ўрганилади. Бунда асосий эътибор таржима матни ёки бирор асарнинг танлов усули, мослашиш ва ўзлаштириш шаклларига қаратилади. Тадқиқотда таржима матни маданият трансфери сифатида баҳоланиб, «қабул қилувчи маданият» нуқтаи назаридан ўрганилди.

Умуман, маданият трансфери бир миллатнинг турмуш тарзи, ўй-кечинмалари, моддий ва маънавий маданияти бошқа бир миллат тилига кўчирилганда маънонинг «силжиши» сифатида тавсифланар экан, бу жараёнда «асос бўлган маданият»нинг «қабул қилувчи маданият» нуқтаи назаридан идрок қилиниши ва ифодаланиши масаласи муҳим ўрин тутди. Бунда унинг камчиликлари, тўғри ёки нотўғрилиги танқид қилинмайди. Маданият трансфери

⁹ Лагутина И.Н. Россия и Германия на перекрестке культур: культурный трансфер в системе русско-немецких литературных взаимодействий конца XVII – первой трети XX века. М.: Наука. 2008. – С. 3.

¹⁰ Ўша асар. . – С. 8-9.

¹¹ Федорова И.К. Кинотекст в инокультурной среде: к проблеме построения моделей культурных переносов // Российская зарубежная филология, 2011. 1(13). – С. 63.

¹² Espagne M. La notion de transfert culturel // Revue Sciences / Lettres [Online]. 2013. – №1. // <http://rsl.revues.org/219>

¹³ Бу ҳақда қаранг: Лобачёва Д.В., Культурный трансфер: определение, структура, роль в системе литературных взаимодействий // Вестник ТГПУ, Выпуск 8(98). 2010. – С. 24.

ҳар бир қабул қилувчи миллат маданияти нуқтаи назаридан табиий амалга ошади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир миллат маданиятида ўзининг олам манзараси мавжуд бўлиб, улар тилда ўзига хос сўзлар, фразеологизмлар, концептлар орқали воқеланади. «Қабул қилувчи маданият» ана шу омиллар асосида «асос бўлган маданият»ни ўзлаштиради. Натижада, маданият трансфер бўлиб, маънонинг «силжиши» амалга ошади.

Маданият трансфери таржимасиз ҳам амалга ошади. Китобхон ўзга миллат асарининг асл нусхасини ўқиш жараёнида унда учраган миллий-маданий хусусиятли ифодаларни ўз миллати маданий қарашларидан келиб чиққан ҳолда тасаввур қилади. Масалан, ўзбек китобхони инглиз тилидаги асл матнни ўқиш жараёнида асарда берилган айрим ҳолатларни бу вазиятга ўхшаш ўзбекона маданий тасаввурлар асосида қабул қилади. Мана шу нуқтада тасаввурда маданият трансфери содир бўлади. Ғ.Саломов таржимашунослик масалаларига бағишланган илмий асарида Чехословакияда словак тилида нашр қилинган ўзбек халқ достони «Алпомиш» китобига Иван Вишлопан томонидан ишланган афсонавий образлар тасвирида Шарқ ижодий ҳаёлот оламининг европача услубда тасвирланганини келтириб ўтади. Унинг таъкидлашича, «агарда жаҳон халқлари тилларига кўплаб таржима қилинган «Минг бир кеча», «Калила ва Димна» китобларига ишланган сон-саноксиз расмлар, Навоий ғазаллари, Умар Хайём рубоийларига илова қилинган миниатюралар ва бошқа суратлар коллекциясини тўплаб, уларнинг бадиий-тасвирий кўргазмасини ташкил этишнинг иложи топилганида эди, араблар, ҳиндлар, форсларнинг моддий ҳамда маънавий ҳаётини немис, инглиз, француз, испан, итальян ва бошқа халқлар санъаткорлари қандай тасаввур қилганликлари билан танишиш жуда мароқли бўларди»¹⁴.

Бадиий матнда маданият трансферининг содир бўлиши асарда баён қилинган маълум ғояларнинг ўзга маданият майдонига «кўчиши», айрим тил ифодаларининг янги муҳит шароитидан келиб чиқиб бу маданиятга мослашиши, ўзга маданиятга хос ассоциациялар билан боғлиқ тарзда ўзига янги маъно «юклар» олиши кабиларни қамраб олади.

Маълумки, инсон онгида маданиятга оид концептларнинг шаклланишида халқ маданияти, урф-одати, дунёқараши каби омиллар муҳим ўрин тутади. Шу сабабли турли халқларда маданий концептлар бир-биридан фарқланиб, улар ўзга маданият эгалари томонидан ҳар хил идрок этилиши мумкин. Г.Одилова рецептор билан матн муаллифининг тасаввури ҳар доим ҳам мос тушмаслиги ҳақида ўринли мисол келтиради. Масалан, «*дарахт*» деганда ўзбек китобхони кўз олдида асосан мевали дарахт гавдаланса, рус ўқувчисида эса оқ қайин, эман дарахтини, японлар сакура, иссиқ ўлкаларда яшовчи халқлар эса пальма, банан каби цитрус мевалари дарахтларини кўз олдига келтиради¹⁵. Англашиладики, кишиларда бир предметга оид тасаввурларнинг турлича бўлишига улар яшаб турган макон, атроф-муҳит кабилар ҳам таъсир кўрсатади.

А.Д.Швейцер ҳам эътиборини мана шу масалага қаратиб шундай дейди: «Бир матнни турли хил маданият, турли коммуникатив вазият иштирокчилари

¹⁴ Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – Б. 139.

¹⁵ Сирожидинов Ш., Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Тошкент: «Мумтоз сўз», 2011. – Б. 58.

ҳар ҳил қабул қиладилар. Бунда хулқ-атвор меъёрларига асосланган дастлабки билимлар катта роль ўйнайди¹⁶.» Бу жиҳатдан ёндашилса, «қабул қилувчи маданият» асл матндаги маданий маълумотларни, стереотипларни оддий сўзлар каби қабул қилиши мумкин. Ёки аксинча, асл матнда берилган оддий сўз таржимада маданий концепт даражасига кўтарилиши ҳам мумкин. Шу сабабли таржима асарлари таҳлилида таржима матнига кўчган сўзларнинг миллат тасаввурларига асосланган ассоциатив маъноларига ҳам эътибор қаратиш лозим бўлади. Зеро, «сўзнинг маданий фони унинг фойдаланувчилари юзага келтирган миллий бўёқдор ассоциациялар тўпламига боғлиқдир»¹⁷.

Таржимашунослик соҳасида маданият трансфери таржиманинг адаптация усули натижасида юзага келади. Чунки матн аслият тилидан бошқа тилга таржима қилинар экан, нафақат тиллар орасидаги лексик-грамматик фарқларга, балки халқлар маданияти, тасаввурлари, эътиқодлари ўртасидаги катта тафовутларга ҳам дуч келинади. Таржимон матнни тўғридан-тўғри таржима қилса, асл матндаги маъно хиралашиши, миллий-маданий семали бирликлар маъноси юзага чиқмаслиги ёки умуман тушириб қолдирилиши мумкин. Мана шундай вазиятда таржимон таржиманинг адаптация усулига мурожаат қилиши лозим бўлади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Нацумэ Сосэкининг «Қалб» романи таржимасида маданият трансфери турлари**» деб номланган бўлиб, унда «Қалб» романи таржимасида моддий ва маънавий маданиятни ифодаловчи бирликлар трансфери ўрганилган. Ушбу бобда «Қалб» асарида 24 та япон моддий маданиятига оид тушунчаларни англатувчи сўз иштирок этган жумлалар маданият трансфери таҳлили учун ажратиб олинди.



1-расм. «Моддий маданият трансферини ифодаловчи жумлалар»

Масалан: ...学校の制帽をとうとうの向かうのものに取られてしまったのです。(夏目漱石 [Natsume Soseki], 「こころ」 [kokoro] 135-б.)¹⁸. [Gakkō no seibō wo tōtō no mukau no mono ni torarete shimatta no desu]

¹⁶ Швейцер А.Д. Теория перевода: Статус, проблемы, аспекты. – М.: Кн. Дом «ЛИБРОКОМ», 2009. – С. 152.

¹⁷ Сдобников В.В., Петрова О.В. Теория перевода. – М.: АСТ: Восток–Запад, 2007. – С.110.

¹⁸ Таджикотимиздаги аслиятга оид барча мисоллар ушбу китобдан келтирилгани туфайли кейинги мисолларда фақатгина мисол олинган бети илова қилинади.

«... Бунинг оқибатида уларнинг пўрим фуражкаларини олиб қўйишар эди.» (Жаҳон адабиёти, июнь-2013. 117-б.)¹⁹

Берилган жумлада қўлланган 制帽 [seibou] сўзи ўзбек тилига бевосита «*махсус бош кийим*» тарзида таржима қилинади. Жумла мазмуни асосида унинг мактаб, коллежда кийиладиган махсус бош кийим эканлиги тушунилади. Таржимон бу ўринда 制帽 [seibou] сўзига муқобил сифатида «*пўрим фуражка*» бирикмасини қўллаган.

Маълумки, Чор Россияси Марказий Осиёни босиб олиши ва кейинчалик собиқ шўро тузуми даврида ўзбек тилига рус тилидан кўплаб янги сўзлар ўзлаштирилган. «Посон» ҳамда «пўрим» сўзлари шулар жумласидандир. «Посон» сўзи рус тилига француз тилидан кириб келган «фасон» сўзининг ўзбек тилидаги фонетик шакли ҳисобланиб, «олифта» маъносида «кўчган». «Пўрим» сўзи ҳам рус тилидаги «форма» сўзидан олинган бўлиб, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да унинг «башанг, олифта» маъноларини ифодалашда қўлланиши кўрсатилган²⁰. Ушбу сўзларнинг бундай маънога эга бўлишини ўзбек маданиятида аввал мавжуд бўлмаган, махсус фасон ёки формага эга бўлган кийимлар олифталик, башанглик тасаввурини бериши билан изоҳлаш мумкин.

«Қалб» романи матнидаги юқорида келтирилган 学校の制帽をととうの向かうのものに取られてしまったのです [Gakkō no seibō wo tōtō no mukau no mono ni torarete shimatta no desu] жумла-си сўзма-сўз таржима қилинса, «*Охир-оқибат мактаб бош кийимини рақибларига олдириб қўйишар эди*» мазмунини англатади.

Берилган жумлада 制帽 [seibou] сўзининг «махсус бош кийим»ни англатишини инобатга олсак, «форма» (махсус кийим) сўзининг ўрнида рус тили орқали ўзлашган «пўрим» сўзининг танланиши асар ёзилган давр руҳиятини акс эттира олган дейиш мумкин. Худди шундай, «фуражка» сўзи ҳам матнга давр руҳиятини сингдиришга ҳамда ўқувчида бош кийимнинг шакли ҳақида муайян тасаввур уйғотишга хизмат қилган. Бу сўз «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «эркакларнинг гардишли ва қисқа соябонли бош кийими» тарзида изоҳланган.²¹ Таржимон бош кийимнинг шаклини ҳамда унинг мажбурий мактаб кийими эканини инобатга олиб, таржимада «пўрим фуражка» бирикмасини ишлатган.

Таржима матнида қўлланган «пўрим» сўзининг ўзбек тилига рус тилидан ўзлашганлигини эътиборга олинса, таржима матнида миллатлараро маданият трансферининг амалга ошганини кузатиш мумкин. Шунингдек, ўзбек тилида фонетик ўзгаришга учраган бу бирликнинг таржимада ишлатилганлиги ҳам маданият трансферини яққол акс эттиради.

Қуйидаги жумла таржимасида эса япон моддий маданиятига мансуб предметни билдирувчи сўзга ўзига хос муқобил танланганлигига гувоҳ бўламиз: その代り私は板で造った足の畳み込める華奢な食卓を奥さんに寄附しました。(183-б.) Sono kawari watakushi wa ita de tsukutta ashi no tatamikomeru kyasha na shokutaku wo oku-san ni kifu shimashita]

¹⁹ Кейинги мисолларда «Жаҳон адабиёти» журналининг роман таржимаси чоп этилган сони ва бети илова қилинади.

²⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 329.

²¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 367.

Бунга миннатдорчилик сифатида мен бекачга оёқлари йиғиладиган, юпқа тахталардан ясалган хонтахтача совга қилдим. (июль-2013. 97-б.)

Ушбу мисолда қўлланган 食卓[shokutaku] сўзи бевосита «овқатланадиган стол» маъносини ифодалайди. Лекин таржимада бу маънони ифодалаш учун «стол» сўздан фойдаланилса, оёқлари узун бўлган, баланд ва кенг курси кўз олдимизга келиб, аслиятда берилган предмет ҳақидаги тасаввуримиз ўзгаради. Зеро, японлар овқатланишида ишлатиладиган мебел жиҳози ўзбеклардаги хонтахтага шаклан ўхшаш бўлгани учун ҳам, таржима матнида хонтахта сўзи ўринли қўлланилган. Гарчи ўзбек маданиятида «оёқлари йиғиладиган, юпқа тахталардан ясалган» хонтахта ишлатилмас-да, таржима матнида қўлланган «хонтахта» сўзи орқали китобхон кўз олдида оёқлари калта, тахтадан ясалган жиҳоз келиши табиий. Шунингдек, бу сўз ўқувчида «хонтахта» ва унга оид деталлар – кўрпача, дастурхон кабиларни ҳам кўз ўнгида гавдалантиради.

Японларда 食卓 [shokutaku]нинг устига дастурхон ёзилмайди, бироқ ўзбекларнинг хонтахтасини дастурхонсиз тасаввур қилиш қийин.

Тадқиқотда маънавий маданиятга алоқадор тушунчаларни англлатувчи сўзлар иштирокида тузилган жумлалар таржимаси ҳам таҳлил қилинди.



2-расм. «Маънавий маданият трансферини ифодаловчи жумлалар»

«Қалб» асарида япон халқига хос меҳмондўстлик, овқатланиш маданияти ҳам ёрқин тарзда намоён бўлган. Гарчи икки халқ маданиятида, хусусан, меҳмондўстлик одатида муштараклик мавжудлиги ҳақида бир қанча асарларда таъкидланган бўлса ҳам, бадий матнни таҳлил қилиш жараёнида таржимада маданият трансферининг юз бериши маълум бўлди. Буни қуйидаги мисоллар таҳлили орқали кўриш мумкин: その内はいつの間にか先生の食卓で飯を食うようになった。(22-б.) [Sono uchi wa itsunomanika sensei no shokutaku de meshi wo kuu yo ni natta]

Бир марта унинг дастурхонидан овқатланганман ҳам. (май-2013. 14-б.)

先生の食卓で飯を食うようになった[sensei no shokutaku de meshi wo kuu yo ni natta] жумласи ўзбек тилига сўзма-сўз «Устозимнинг столида овқат ейишга мушарраф бўлганман» тарзида таржима қилинади. Таржима матнида бу жумла ўрнида «унинг дастурхонидан овқатланганман» тарзидаги ўзига хос муқобил жумла қўлланган. Япон маданиятида стол устига дастурхон ёзилмайди, аммо

«дастурхон» сўзи ўзбек тилида кўчма маънода «стол»га нисбатан ҳам қўлланади. Бу сўз ўзбек ўқувчиси хотирасида дастурхон билан боғлиқ ассоциатив тасаввурларни, жумладан, дастурхоннинг тўкин-сочинлиги, мезбоннинг меҳмондўстлиги кабиларни ҳам тиклайди. Агар таржиманда *дастурхон* сўзи ўрнида *стол* сўзидан фойдаланилганда матнда коннотативликка ҳам эришилмас эди.

Таҳлил қилинаётган Нацумэ Сосэкининг «Қалб» асари таржимасида ҳам ўзбек миллати маданиятига оид бирикмаларни қўлланилганига гувоҳи бўлишимиз мумкин:

「呼ばなくっても好いが、呼ばないと又何とか伝うから。」(93-б.) [yobanakutte mo yoi ga, yobanai to mata nan to ka tsutau kara]

Сўзма-сўз таржима: «*Чақирмасак ҳам яхшику-я, чақирмасак яна нима деб ўйлашади.*»

«*Чақирмасак ҳам бўларди, аммо кейин хафа бўлишади-да. Кўздай қўшнилари.*» (июнь-2013. 117-б.)

Юқоридаги жумлада пойтахтда университетни битириб, диплом билан ўз жонажон қишлоғига қайтган ўғлининг шарофатига қўшнилари меҳмонга чақириш ҳақида гап кетади. Таржимон жумланинг янада жонли чиқиши, ўзбеклар ҳаётига яқинлаштириб, асл матнда йўқ бўлган «кўздай қўшнилари» иборасини қўллаган. Ва яна «нима деб ўйлашади» жумласи таржиманда «хафа бўлишади» деб берилган. Зеро, ўзбеклар ҳаётида ҳам қўшнилари муҳим ўрин тутиб, айниқса, қишлоқ ҳаётида янгиликдан беҳабар қолган «кўздай» қўшнилари хафа бўлиши табиий ҳол. Ҳар икки матнда ҳам қўшниларининг ўрни, уларнинг фикри ўринли деган нуқтаи назардан, маданиятларнинг ўхшашлиги кузатилса-да, ўзбек тилига қилинган таржиманда ўзбекона маданиятдан келиб чиқиб, қўшниларига таъриф берилгани сабабли ассоциациянинг ўсиши кўрилади.

私の知ったものに、夜職人と喧嘩をして、相手の頭へ下駄で傷を負わせたのがありました。(135-б.) [Watashi no shitta mono ni, yoru shokunin to kenka o shite, aite no atama e geta de kizu o owa seta no ga arimashita]


«*Танишларим орасида кечқурунлари мастеровойлар билан уруш чиқарадиган ва ўз гэталари билан бошларини уриб ёрадиганлари ҳам бор эди.*»(ЖА, июнь-2013. 122-б.)

Бу ерда 職人[shokunin] сўзи «хунарманд», «уста» маъносини англатса-да, таржимон юқоридаги бўлимларда қайд этилганидек, асар ёзилган давр руҳини бериш учун «мастеровойлар» сўзини қўллаганининг гувоҳи бўламиз. Бу сўз «Чор Россияси даврида рус хунарманд ишчилари»²²га нисбатан ишлатилган бўлиб, романнинг ўзбек тилига қилинган таржимасидаги 職人[shokunin] сўзида япон қаҳрамони ҳақида рус хунармандларига оид тасаввур уйғотишида уч томонлама маданият трансферини кузатиш мумкин.

Диссертациянинг «**Нацумэ Сосэкининг «Қалб» асари таржимасида дин билан алоқадор тушунчалар трансфери**» деб номланган учинчи бобида аслиятда қўлланган диний сўзларнинг таржима матнида диний ёки оддий сўзлар

²² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. ЎЗР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 553.

билан алмаштирилиши, асл матнда ишлатилган оддий сўзларнинг таржима матнида диний сўзларга трансфер қилиниши масаласи ёритилган.



3-расм. Дин билан алоқадор тушунчалар трансфери таҳлили.

Япон миллатига хос диний қарашлар ифодасининг таржимада берилиши масаласини ўрганиш бундай ифодаларнинг маданият трансфери сифатида намоён бўлишини, шу билан бирга, миллатларо диний дунёқарашнинг фарқли жиҳатларига ойдинлик киритишга хизмат қилишини кўрсатди.

Н.Сосэкининг «Қалб» асаридан маънавий маданият трансфери масаласи таҳлили учун ажратиб олинган сўзлар ичида «қалб» концептини ифода этувчи диний мазмундаги жумлалар 59% ни ташкил қилиши аниқланди.

«Қалб» романида аслиятда келтирилган диний тушунчалар, қарашлар матн таржимасида ҳам сақланиб қолган. Қуйидаги мисолда қўлланган сўз деярли барча динларга хос хусусиятни акс эттирса-да, унинг талқинидаги турлича қарашлар боис трансфер юзага келганини кўриш мумкин:

この際彼を人間らしくするのが専一だと考えたのです。(180-6.) [Konosai kare wo ningenrashiku suru no ga sen'itsuda to kangaeta nodesu]

«Муҳими, уни комил инсон даражасига кўтариши керак, деб ҳисоблар эдим.» (июль-2013. 96-б.)

Ушбу гапда қўлланган 人間 [ningen] сўзи сўзма-сўз таржима қилинганда «инсон» маъносини англатади. «Япон тили катта изоҳли луғати»да ушбу сўзнинг дастлаб буддавийлик таълимотидаги маъносига изоҳ берилган. Унга кўра 人間 [ningen] буддизмда: 1) «олти йўл (дунё, олам)дан бири, инсонлар яшайдиган дунё»²³ бўлиб, инсон бу дунёда қайта туғилса, буддизмни қайта ўрганиб, нажот топишга имкон бор; 2) инсоният дунёсида яшовчи, одам, инсон зоти; 3) инсонийлик йўлини тутган жиддий шахс; 4) одам, шахс.²⁴

Юқоридаги гапда 人間らしくする [ningenrashiku suru] бирикмаси сўзма-сўз, яъни «инсоний бўлиш (бу ерда айнан дўстини инсоний қилиш)» тарзида таржима қилинади. Бунда 人間 [ningen] сўзининг луғатда кўрсатилган 3-маъноси юзага чиқади. Яъни, инсонийлик йўли – инсоният дунёсига олиб борувчи йўл бўлиб,

²³ 国語大辞典 (新製版) SHOGAKUKAN、1981。 – P. 1890.

²⁴ <https://www.famille-kazokusou.com/magazine/manner/325>

унга эришишда «инсон сифатида бажарилиши керак бўлган ахлоққа эга бўлиш – инсон бўлиш учун тўғри йўл»²⁵ ҳисобланади.

Таржима матнида қўлланган *комил инсон* тушунчаси умуминсоний характерда бўлиб, ҳар бир динда инсоннинг баркамоллик даражасига эришишини англатади. Ислом динида бу бирикма «тасаввуф фалсафасининг асосий тушунчаларидан бири ҳисобланиб, ҳар жиҳатдан етук киши. Ахлоқий жиҳатдан олий покликка эришган, борлиқ ва Яратувчини англашда тўлиқ билимга эга бўлган ва натижада Ҳаққа етишган (ёки Куръон оятларининг туб моҳиятини тушунадиган) инсон. Унинг бутун олам учун бўлган фавқулодда аҳамияти ана шундан келиб чиқади, у – Коинотнинг ботиний ҳукмдори, Олам яратилишининг сабабчиси ва мақсади»²⁶ маъносида қўлланади.

私は又彼の部屋に聖書を見ました。私はそれまでに御経の名を度々彼の口から聞いた覚えがありますが、基督教に就いては、問われた事も答えられた例もなかったのですから、一寸驚きました。(169-б.) [Watashi wa mata kare no heya ni seisho wo mimashita. Watashi wa sore made ni o kyo no na wo tabitabi kare no kuchi kara kiita oboe ga arimasuga, kirisutokyo ni tsuite wa, towa reta koto mo kotae rareta rei mo nakatta nodesukara, chotto odorokimashita.]

«Бундан ташқари К. нинг хонасида Библияга кўзим тушиди. Бу ҳол мени бир оз таажжубга солди, чунки илгари ундан кўпинча турли буддавийча оятларни эшитиб турардим, аммо насронийлик тўғрисида ҳеч қачон сўзлашмаганмиз.» (июнь-2013. 137-б.)

